

qıyın. Sol sebepli kompyuter programmaları járdeminde intellekt-kartalardı súwretlewge ótiw maqsetke muwapıq. Demek, kompyuter programmaları tiykarında dúzilgen intellekt-kartalardı redaktorlaw, keńeytiw, jáña

informaciyalardı qosıw, kartalar sistemasın jaratıw, informaciyanı gipertekst kórinisinde usınıw, intellekt-kartanı islep shıǵıw boyınsha jámaátlik dóretywshilik jumıstı shólkemlestiriw múmkin.

Адебиетлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сон Фармони. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 6-сон. 70-модда
2. Бьюзен Т., Бьюзен Б. Супермышление. – Мн: ООО «Попурри», 2003. –С. 320.
3. Депортер Б., Хенаки М. Квантовое обучение: Разбудите спящего в вас гения. – Мн: ООО «Попурри», 1998. –С. 384.
4. Лаврентьев Г.В. Инновационные обучающие технологии в профессиональной подготовке специалистов. Часть 2. – Неудихина–Барнаул: АлтГУ, 2004. –С. 232.
5. Эрганова Н.Е. Методика профессионального обучения: учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений. – М.: Издательский центр «Академия», 2007. –С. 160.
6. Уразова М.Б. Совершенствование технологии подготовки будущего педагога профессионального образования к проектной деятельности: Дисс. ... док. пед. наук. –Т.: ТГПУ, 2015. –С. 287.
7. Огепбергенов Ж.С. «Ахборот таълим муҳити шароитида талабаларда когнитив компетентликни ривожлантириш технологияси автореферат 2020.

РЕЗЮМЕ

Maqolada talabalarning mavzuni axborot texnologiyalari yordamida, ya'ni chizma tasvir va intellekt karta bilan tushintirish masalalariga oid ilmiy tahlillar wo'z aksini topgan.

РЕЗЮМЕ

В статье отражен научный анализ интерпретации студентами темы с помощью информационных технологий, с графический изображениями и интеллектуальных карточек.

SUMMARY

The article reflects the scientific analysis of the interpretation of the topic by students using information technology, with a graphic image and smart cards.

ЁШЛАРНИ МИЛЛИЙ ХУНАРМАНДИЛИККА ОИД КАСБ ТАНЛАШГА ЙЎНАЛТИРИШНИНГ ТАЪЛИМИЙ ВА ТАРБИЯВИЙ АҲАМИЯТИ

Р.О.Пахратдинова – катта ўқитувчи

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети

Таянч сўзлар: мактаб, ўқувчи, дарс, синф, технология, фан, таълим, тарбия, босқич, тизим, кўникма, малака, касб, қизиқиш, меҳнатсеварлик, фаолият.

Ключевые слова: школа, ученик, курс, класс, технология, наука, образование, воспитание, этап, система, умение, квалификация, профессия, интерес, трудолюбие, активность.

Key words: school, student, course, class, technology, science, education, upbringing, stage, system, skill, qualification, profession, interest, hard work, activeness.

Маълумки, ёшларни меҳнатга ўргатиш ва касб танлашга йўналтириш ҳамда бирор касбни ўргатиш ҳамма вақт давлат аҳамиятига эга бўлган иш ҳисобланган. Чунки ўсиб келаётган ёш авлодни фойдали ва унумли иш бажаришга, касб-хунарга ўргатиш ҳар бир давлатнинг, ҳар бир жамиятнинг келажагини таъминловчи муҳим омил ҳисобланади. Шу сабабли қадим-қадим замонларданок, айтиш мумкинки, инсонлар инсон сифатида ақлини таниган вақтлардан бошлаб бундай ишларни амалга ошира бошлаганлар, дейиш мумкин. Зотан бундай ишлар дастлаб қаерда ва қай тарзда амалга оширилганлиги ҳақида бир нарса дейиш қийин. Бироқ дастлабки касб-хунарлар ва уларга ўргатиш ишлари инсонларнинг табиат кучларини англаш, яшаш учун курашиш ва овқатланиш эҳтиёжидан келиб чиққан, деб айтиш мумкин. Мана шундай сабаблар туфайли инсонлар дастлаб ов қилишни, ов қуроллари ясашни ўрганганлар. Бора-бора рўзгор юритиш, рўзгор анжомлари тайёрлаш, деҳқончилик каби соҳалар юзага келган ва ривожланиб борган. Умуман олганда инсонларнинг билим олиш, касб-хунарга ўрганиш ишларининг пайдо бўлиши узок асрларга бориб тақалади ва булар вақт ўтиши билан инсонларнинг билими, ҳаётий тажрибаларининг бойиб бориши туфайли ҳозирги даражага етиб келди.

Тарихий маълумотларга қараганда эрамингача бўлган учинчи минг йилликдаёқ қадимги Вавилионда мирзалар тайёрловчи мактаблар ташкил қилинган бўлиб, уни битирувчилари синовдан ўтказиб борилган. Ўша давр талаблари асосида билим олган ва касбий тайёргарлик кўрган мирзалар Месопотамия ҳаётида муҳим ўринни эгаллаган. Чунки мирза ер майдонларини ўлчашни, мулкни бўлишни, musiқа асбобларини ижро этишни ва ашула айтишни билган. Шунингдек, улар газламалар, металллар, ўсимликлар тур-ларини билиши, тўрт арифметик амални бажара олиши зарур бўлган.

Қадимий Мисрда эса касбни эгаллашга даъвогарлар суҳбатдан ўтказилиб, унинг таржимаи ҳоли, билим савияси, ташки қўриниши ҳамда суҳбатни олиб бориш қобилиятлари аниқланган. Сўнгра меҳнат қилиш, эшитиш, сукут сақлаш қобилиятлари олов, сув, ўлим билан кўрқитиш воситасида синаб кўрилган. Айтилишича, синаб кўриш ва танловдан ўтказишнинг бундай жиддий тизимни ўтмишнинг буюк алломаси Пифагор ҳам ўз бошидан ўтказган. Ўқишдан сўнг Грецияга қайтгач, у ўзи босиб ўтган синовлар тизими асосида талабалар танлаб олинувчи мактаб очган. Пифагор интеллектуал қобилиятларга асосий эътиборни қаратган ва бадий қилиб айтганда “ҳар қандай ёғочдан ҳам Меркурийни йўниб бўлмайди” деб ҳисоблаган. Шунингдек, у ёш инсонларнинг ўзини тутишига ҳам алоҳида эътибор қаратган ва уни инсон характерида намоён бўлувчи асосий кўрсаткичлар деб санаган. Пифагор ўқитувчилар ва ота-оналарнинг тавсияларига эътибор билан қараган, ҳар бир янги талабани синчиклаб кузатиб борган. Шундан сўнг уни ўз фикрини эркин ифодалашга ва суҳбатдошлар билан баҳслашишга ўргатган.

Эрамингача бўлган III минг йилликда Хитойда ҳукумат амалдори касби ва мансаби кенг тарқалган бўлиб, уни танлаш ва эгаллашга ўзига хос бир қатор талаблар қўйилган. Бундай касбни эгаллашга жазм этган ёшлар тантанаворлик руҳи билан суғорилган муҳитда давлат имтиҳонлари топширганлар. Имтиҳон саволларини кўпчилик ҳолатларда Императорнинг ўзи белгиллаган, билимларни ҳам ўзи синовдан ўтказган, даъвогарларни саралаш кўп босқичли усулда амалга оширилган.

Қадимги Спарта, Афина, Рим тарихида эса бошқа мисолларни кўриш мумкин. Жумладан, Спартада жангчиларни, Римда гладиаторларни тайёрлашнинг мукамал тизими яратилган ва муваффақиятли амалга оширилган.

“Одамлар, деб ёзган эди Афлотун, бир-бирларига у даражада ўхшаш бўлиб туғилмайдилар, уларнинг табиати ва қобилиятлари турлича бўлади.

Шу сабабли барча вазифаларни амалга оширишда ўз табиий қобилиятларига мос равишдаги юмушлар танлаганда уни яхшироқ, тез ва кўпроқ даражада амалга ошириш мумкин бўлади” [1].

Эраизгача бўлган 900 ва 600 йиллар ораллигидаги Ҳинд ведаларида заргарлар, темирчилар, арконсозлар, тўқувчилар, бўёқчилар, дурадгорлар, кулоллар, уй хизматчиларининг турли тоифалари, акробатлар, фолбинлар, найчилар, раққослар касб сифатида санаб ўтилган. Яна шунингдек актёрлар, судхўрлар ва савдогарлар ҳам мавжуд бўлган. Бундай маълумотлар кўп бўлиб, уларнинг барчаси бугунги кунда касбий ташхис қилиш ёки касб танлаш деб аталувчи тушунчаларнинг қадимдан шаклланилигини билдиради.

1908 йилнинг январида Бостон шаҳрида ўсмирларга ўз ҳаётий меҳнат йўлини танлашига ёрдам берувчи ёшларни касбга йўналтириш бюроси ўз ишини бошлаган. Бу бюро фаолияти касбга йўналтириш ишларининг асоси сифатида қабул қилинган. Кейинчалик шу турдаги бюро Нью-Йоркда ҳам ташкил этилган. Унинг вазифалари қаторига инсонларнинг турли касбларни эгаллашига қўйиладиган талаблар, мактаб ўқувчиларининг қобилиятларини чуқурроқ ўрганиш кабилар кирган. Бюро ишлари ўқитувчилар билан ҳамкорликда, тест ва анкеталардан фойдаланган ҳолда олиб борилган [2].

Россияда касбга йўналтириш ишлари XX асрнинг дастлабки йилларида амалга ошира бошланди. Москвадаги ўқитувчилар уйининг Педагогика музейида турли типдаги мактабларда ўқувчиларнинг касб танлашига оид қатор изланишлар олиб борилди. Бунда асосий эътибор қайси касбларга кўпроқ эҳтиёж борлиги, уларни танлашда ўқувчиларнинг қандай мезонларга асосланишини тадқиқ қилишга қаратилди. 1927 йилда Ленинградда ташкил этилган касбий маслаҳат бюросида амалий тадқиқотлар билан биргаликда илмий тадқиқотлар ҳам олиб борилган. Касбга йўналтириш ишларининг илмий-педагогик асосларини ишлаб чиқишга П.П.Блонский, А.С.Макаренко каби атоқли рус олимлари ўз ҳиссаларини қўшганлар. Улар ўқувчиларни касбга йўналтириш ишлари-нинг психологик-педагогик асосларини яратиб бердилар.

Ўтган асрнинг 30-йиллари бошида Россияда касбий маслаҳат ва касбга йўналтириш Марказий лабораторияси фаол ташкил этилишига қарамай, 1932 йилга келиб бу турдаги бюрлар сони 54 тага етказилди. Касбга йўналтириш ишлари тараққиётига ўқитувчиларнинг меҳнат таълимига бўлган эътиборининг сусайиб бориши салбий таъсир кўрсатди. Натижада таълим тизимида 1937 йилда меҳнат таълимининг бекор қилиниши касбга йўналтириш ишларининг тўхтаб қолишига олиб келди. Кейинчалик бу хато тузатилди. Чунки меҳнат ва касбий тайёргарлик тизими ёшларга бевосита меҳнат ва касб таълими-тарбиясини, касбий ахборотларни бериш орқали уларни касб танлашга ва касб эгаллашга йўналтириш амалга ошириладиган улкан ишлардан бири бўлиб, тараққиёт йўлига эгадир.

Халқимизни миллат ва халқ бўлиб шаклланишини меҳнатсиз, касб-хунар-сиз тасаввур этиб бўлмайди. Одамзод пайдо бўлишидан бошлаб, меҳнат билан шуғулланган, турмуш буюмлари ясаган, юмушлар бажарган. Дастлаб фақат кун кечириш учун қилинган меҳнат кейинчалик, каттароқ мақсадларни кўзлаган, ишлаб чиқариш соҳалари даражасига кўра тараққий этди.

Республикамиз ҳудудидан ўтказилган археологик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, хунармандчилик бу ерларда икки минг йиллар олдин ривожланган. Бу даврда синфий жамият пайдо бўлиб, йирик меҳнат тақсимооти негизда хунармандчилик мустақил соҳа бўлиб ажралиб чиққан.

IX-XV асрларда хунармандчилик кенг ривожланиб, халқимизнинг хорижий давлатлар билан иқтисодий-маданий алоқалари авж олган. Айрим манбаларга асосланиб шуни айтиши мумкинки, 32 хил хунармандчилик тури мавжуд бўлган аҳоли яшайдиган жой шаҳар деб аталган. 1897 йилда аҳолини илк бор рўйхатга олиш вақтида катта шаҳарларда аҳолининг кўпчилиги қисмини хунармандлар ташкил этиши аниқланган. Масалан, Наманганда 64, Чустда 54, Қўқонда 53, Марғилонда 50, Андижонда 45, Тошкент, Самарқандда эса 29 фоиз аҳоли мустақил касб-хунар эгалари бўлган [3].

Қадимий даврларда хунармандчиликнинг энг кўп тарқалган тури темирчи-лик, заргарлик, мисгарлик ва тунукасозлик бўлган. Ҳозиргача кенг тарқалган қадимий касблардан бири ёғочдан буюмлар ясаш хунармандчилигидир. XX аср бошларида дастлабки тикув машиналарининг пайдо бўлиши билан янги хунармандчилик касби – машиначилик юзга келади. Ўзбекларнинг энг кенг тарқалган уй касбларидан бири дўппидўзликдир. Булардан ташқари теридан ҳар хил буюмларни ҳам тайёрлаганлар, косиблар ўз маҳсулотларини шаҳар ва қишлоқларда юриб, аҳолига сотганлар, новвойлик, қандолатчилик ва қассоблик ҳам ҳурматли касблардан бўлиб, уларнинг дўконлари ҳар қадамда учраган. Катта тўй-маъракалар ўтказиш одати махсус ошпазлик касбини юзга келтирган.

Хунармандлари қадимдан “Устоз-шогирд” тизими бўйича фаолият кўрсатган. Бунда хунар ўргатувчи усталар учун ҳам, хунар ўрганувчи шогирдлар учун ҳам, ҳатто шогирдларнинг ота-оналари учун ҳам белгиланган қоидалар, одоб-ахлоқ меъёрлари бўлган. Бу қоидаларга ҳар учтала томоннинг қатъий риоя қилиши мажбурий бўлган.

Қадимда усталар шогирдларни танлашда, уларга хунар ўргатишда ва синов ўтказишда қуйидаги усулларни қўллаганлар:

1. Уста индамасдан, тушунтирмасдан бирор буюмни тайёрлайди, шогирд эса буни кузатиб туради ва устанинг ишини такрорлаб, ўзи ҳам ўша буюмни тайёрлашга ҳаракат қилади.

2. Уста буюмни қандай тайёрлашни оғзаки тушунтиради, лекин амалда тайёрлаб кўрсатмайди. Шогирд эса мана шу тушунтириш орқали буюмни мустақил тайёрлайди.

3. Уста буюмни тайёрлаш усулларини, бажариладиган иш амалларини, ишлатиладиган асбоб-ускуналар ва улардан фойдаланиш йўллари, фойдаланиладиган материаллар ва уларнинг хусусиятларини аввал тушунтиради, кейин эса буюмни қандай тайёрлашни амалда кўрсатади.

Усталарни шогирдлар тайёрлашда бу усуллардан фойдаланишлари бежиз эмас. Яъни бу усулларни қўллашдан кўзланган аниқ мақсадлар бор. Масалан 1-2-усулда шогирднинг хотираси, зеҳни, топшириқларни мустақил ҳолда бажара олиш-олмаслик қобилиятлари синаб кўрилади. Шундан сўнг уста шогирдларидаги ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда уларга хунар ўргатишга киришади. Бундан ташқари юқоридаги икки усулдан шогирдларнинг хунарни қандай ўрганаётганлигини ёки ўрганганлигини, уларнинг маҳоратини синаб кўришда ҳам фойдаланилган.

Ҳар бир устанинг хунармандчилик ишларига оид ўзига хос сирлари бўлган ва улар махфий тутилган. Усталар ўз сирларини энг ишонган шогирд-ларигагина ўргатганлар (булар кўпинча усталарнинг фарзандлари бўлган). Агар устанинг шогирди бўлмаса – бу сирлар сирлигича қолиб кетган [4].

Тарихий шароитларининг ўзгариши борасида тўпланган тажрибаларни ёшлар онгига етказиш шакллари ҳам ўзгариб бормокда. Мустақиллик шарофати тўфайли устоз-шогирд анъаналарини янада ривожлантиришнинг асосий вазифалардан бири мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришга асос бўладиган янги

таълим тизимининг ташкил этилишидир.

Ўзбекистон Республикасининг 1997 йилги “Таълим тўғрисида”ги ва “Қадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги қонунларнинг қабул қилиниши бу соҳадаги ишларни янада юқори поғонага кўтарди. Эндиликда ёшларимиз махсус жихозланган замонавий ўқув ишлаб чиқариш корхоналари ёки касб-хунар мактаблари ёки бевосита мактабларда икки-уч хунарни ўрганиш имкониятига эгадирлар.

Адабиётлар

1. Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. -Тошкент: “Ўқитувчи”. 1994.
2. Хашимов К., Нишонов С., Иномова М. Педагогика тарихи. Ўқув қўлланма. -Тошкент: «Ўқитувчи». 1996. 488-б.
3. Хашимов К., Нишонов С. Педагогика тарихи. Дарслик. -Тошкент: Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриоти. 2005. 304-б.
4. Ғуломов К. Амалий санъат. Олий ўқув юрлари учун ўқув қўлланма. -Тошкент: «ЎҚИСОД-МОЛЛИЯ». 2007. 96-б.
5. Шомирзаев М.Х. Мактаб технология таълимида миллий каштачиликни ўрганиш. Ўқув-услубий қўлланма. -Т.: “Tafakkur”, 2020. 58-б.

РЕЗЮМЕ

Маколада ўқувчиларни жисмоний томондан тўғри ривожлантириш, меҳнат олами ва кишилари, меҳнат қуроллари ва амаллари, асосий ишлаб чиқариш соҳалари ва касблар билан таништириш, иш қуролларидан фойдаланиш, оддий буюмларни ясашга оид меҳнат малакаларини ҳосил қилиш ва онгли равишда касб танлашга йўналтиришнинг таълимий ва тарбиявий аҳамияти ёритилган.

РЕЗЮМЕ

В статье подчеркивается образовательная и педагогическая важность развития физической подготовки студентов, знакомство их с миром и людьми труда, инструментами и методами, ключевыми отраслями и профессиями, использованием инструментов, развитием рабочих навыков в изготовлении простых предметов и осознанным выбором карьеры.

SUMMARY

The article emphasizes the educational and pedagogical importance of the development of physical preparation of students, their acquaintance with the world and people of labor, tools and methods, key industries and professions, the use of tools, the development of working skills in the manufacture of simple objects and a conscious choice of career.

БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ ЎҚУВ – БИЛИШ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАР

М.Е.Пазылова – педагогика фанлари номзоди, доцент
Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтини

Таянч сўзлар: ўқув-билиш фаолияти, субъектив омиллар, қизиқувчанлик, қатъийлик, иродалик, мотивация, объектив омиллар: шарт-шароитлар, педагогнинг шахсияти, ўқитиш усуллари.

Ключевые слова: учебно-познавательная деятельность, субъективные факторы, любознательность, целеустремленность, сила воли, мотивация, объективные факторы: условия, личность учителя, методы обучения.

Key words: educational and cognitive activity, subjective factors: curiosity, purposefulness, willpower, motivation, objective factors: conditions, teacher's personality, teaching methods.

Бўлажак ўқитувчиларнинг мотивлари ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш ўқув-билиш жараёнида педагогиканинг ҳар бир бўлими бўйича ўқитиш шакллари, воситалари, усул ва методларини танлаш имконини беради. Бу эса ўз навбатида бўлажак ўқитувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантириш имконини беради. Уларда машғулларнинг мазмунига нисбатан қизиқиш уйғотади. Натижада бўлажак ўқитувчилар аждодлар томонидан яратилган педагогик қарашлар, таълимотлар, ёндашувларни ўзлаштирадilar, бунинг натижасида эса уларнинг ўқув-билиш фаолиятлари ривожланади. Улар ўзлаштирган педагогик билимларини истиқболдаги касбий фаолиятларида самарали қўллаш компетенциясига эга бўладilar.

Ўқув-билиш майлларига эга бўлиш, уларнинг такомиллашуви талабаларда касбий фаолият моҳиятини аниқ тасаввур қилиш ва билимларни тезкор ўзлаштириш ҳамда истиқболдаги касбий фаолиятида улардан фойдаланиш компетенциясини ҳосил қилади.

Шу тарика мутафаккир аждодларимиз томонидан яратилган педагогик таълимотлар бўлажак ўқитувчиларда касбий майлларни ҳосил қилиб, уларда ўқув-билиш фаолиятини ривожлантириш имконини беради. Мазкур ўқув-билиш ҳаракатлари эса бўлажак ўқитувчиларнинг касбий фаолиятидаги сифат ва самарадорликни таъминлашга қўмаклашади.

Бўлажак ўқитувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришда тарихий тажрибалар билан бир қаторда инновацион методлар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Чунки улар ўзида халқнинг кўп асрлик тарихий тажрибасини мужассамлаштирган бўлади.

Хулоса қилиб айтганимизда ёш авлодни ҳалол меҳнат қилишга, турли касб-хунарларни эгаллашга ўргатиб бориш халқимизнинг бутун ижтимоий-тарихий тараққиёти жараёнида муқаддас анъанага айланган. Аҳли донишлар, назоратчи ва амалиётчи олимлар томонидан бу соҳада кенг қўламли тадқиқот ишлари олиб борилган ва олиб борилмоқда. Бу ишлар ҳозирги кунда республикаимизда касб-хунар таълими тизимини ривожлантиришда катта аҳамиятга эгадир.

Олий таълимни 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси бўлажак мутахассисларни нафақат билимлар билан қуроллантириш, балки уларни ўқув-билиш фаолиятини ривожлантириш, тарихий тафаккурларни ривожлантириш, педагогик қадриятлар ёрдамида шахсий, касбий сифатларини шакллантиришни ҳам назарда тутди. Ўқув жараёни талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантирувчи жараён сифатида ташкил этилиб, унда бўлажак мутахассиснинг лойиҳалаштириш, бошқаришга оид компетенциялари шакллантирилади.

Биз талабаларнинг билиш фаолиятларини ривожлантириш масаласи кўплаб мутафаккир, файласуф ва педагог олимларнинг ишларида баён этилганлигини юқорида таъкидлаб ўтдик. Шахснинг билиш фаоллиги тарихий-маданий бойликлар, халқнинг кўп асрлик қадриятлари негизда ривожланиши мутахассислар томонидан асослаб берилган. Талабаларнинг ўқув фаоллиги уларнинг ўқув жараёнига бўлган муносабатида намоён бўлади. Шу билан бир қаторда ўқув-билиш фаоллиги ўқув жараёнининг муҳим натижаси ҳисобланади. Фаоллик натижасида таълим олувчиларнинг барча қирралари намоён бўлади. Бу эса янги ходисаларни ўрганишга бўлган қизиқишни ифодалайди. Талаба ўз ютуқларидан завқланиш, ўқув жараёнига алоҳида қизиқиш билан ёндашиш, касбий қоидалар ва ўрнатмаларни ўрганиш натижасида фаоллашади. Мазкур жараённинг сифат кўрсаткичи сифатида бўлажак ўқитувчининг ўқув-билиш фаоллиги эҳтиёж даражасига кўтарилади. Бундай даражага интилиш алломалар ҳаётида асосий жиҳатни ташкил этган.